

“АФЗАЛ” ФИЗИОТЕРАПИЯ МАРКАЗИ ТУМАН АХОЛИСИ ХИЗМАТИДА

“Афзал” физиотерапия маркази туман ахолиси хизматида

Тиббиёт соҳасига берилаётган эътибор замирида халқимизнинг соғлиги, ўсиб келаётган авлод, Республикашимиз аҳлининг саломатлиги мужассам. Соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам халқимиз манфаатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Туман тиббиёт бирлашмасида қурилган янги даволаниш бўлимлари, диагностика ва ташхис бинолари, соҳага берилаётган замонавий асбоб-дастгоҳлар ҳам юқоридаги эзгу мақсадларнинг амалдаги ижросига қаратилган. Шу билан бирга, Республикашимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, бизнинг туманимизда ҳам хусусий клиника ва тиббиёт диагностика шоҳобчаларининг сони ортиб бормоқда.

Сўх туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилиб, бугун фойдаланишга топширилган мўъжазгина физиотерапия маркази ҳам халқимиз саломатлигини асрашда қўйилган навбатдаги қадам ҳисобланади. Иккинчи сектор ҳудудида очилган мазкур “Афзал” физиотерапия маркази бутун туман аҳлига хизмат кўрсатади.

Мазкур марказ очилиш маросимида иштирок этган туман ҳокими Сайдбаҳром Сайдмусаев, туман прокурори Садирали Мирзокаримов, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Фариджон Тўрабоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати Аҳмаджон Ғаниевлар тадбиркор Дилрабо Султониёнга миннатдорчлик билдириб, ташкил этилган марказ учун туман ҳокимлиги номидан қимматбаҳо совғалар тақдим этдилар. Тадбиркорнинг билдиришича, мазкур марказда 8та замонавий тиббиёт асбоб-дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, аний кунда 4 нафар тиббиёт соҳаси ходимининг бандлиги таъминланган.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-04-07 18:15:11